

Newsletter Usbekistan

02/2021

15 май 2021



Бугунги кундан келажак сари – Муваффақиятли ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтириш

Муваффақиятли икки йиллик мўлжал олиш босқичининг якуни

2021-йил 30-апрелда " Ўзбекистонда етарли молиявий хизматлар кўрсатишни таклиф этиш орқали аграр секторни мустаҳкамлаш ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш" лойиҳасининг мўлжал олиш босқичи якунланди.



Гибрид шаклдаги якуний конференция

27-чи апрель куні ҳамкорлар, тренерлар, экспертлар, ҳамда лойиҳа муваффақиятига биргаликда ўз ҳиссасини қўшган ҳамкасблар иштирокида тантанали якуний конференция ўтказилди. Ушбу тадбир Германия ва Ўзбекистондан кўплаб иштирокчилар билан ҳам виртуал, ҳам юзма-юз Германия жамғарма кассалари фондининг Тошкентдаги онлайн-студиямизда бўлиб ўтди.

Муваффақиятли 2 йил-ортга бир назар:

- 103** ўқув курслари, семинар ва тренинглари
- 3.214** иштирокчилар
 - 1.369** ҳамкор банклар ходимлари
 - 1.845** ёш фермерлар
- 28** та тренер мультимпликатор сифатида ўқитилди ва малакасини оширд
- 23** та - Фермерлар учун махсус семинарлар
- 24** та - Ҳамкор банклар ходимлари учун махсус семинарлар
- 42** та - Айланма кредит фондидан кредитлар

COVID-19 Фавқулодда ёрдам фонди

- 11.516** корхонани сақлаб қолишга ёрдам
- 17.643** иш ўринлари сақлаб қолинди



Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи - кучли ҳамкор

Келажакка старт - лойиҳа асосий босқичининг бошланиши 2021-2024 йй.

Ўзбекистонлик лойиҳа ҳамкорлари билан ўзаро **Англашув меморандумининг** тантанали имзоланиши якуний конференциянинг асосий нуқталаридан бири сифатида келгуси ҳамкорлик ва лойиҳанинг келажакдаги муваффақиятига замин яратди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги (BMZ) илгарироқ лойиҳанинг асосий босқичини **2021 йил 01 майдан 2024 йил 30 апрелгача** бўлган 3 йил муддатга тасдиқлаган эди.

Учта ҳамкор банк бошқарувлари ва Германия жамғарма кассалари фонди томонидан лойиҳа шартномасининг имзоланиши



Гендер тенглик- лойиҳа ишининг яна бир йўналиши



BWA раиси Гулнора Маҳмудова томонидан лойиҳа шартномасини имзолаш

"Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятлар" мавзусини мақсадли қўллаб-қувватлаш ва айниқса қишлоқ жойларда аёлларга кўмак бериш йўлида лойиҳага яна бир ҳамкор - **Ишбилармон аёллар ассоциациясини (BWA)** жалб қилиш жуда муҳимдир. Бу нодавлат ноижорат ташкилоти бўлиб (ННТ), бошқа ишлар қаторида, аёлларни ўз кичик бизнесини бошлашида қўллаб-қувватлайди. Ушбу ҳамкорлик ўлароқ келажакда янада кўпроқ аёллар Германия жамғарма кассалари фонди ва ҳамкор банклар томонидан ўтказиладиган семинар ва тренинглardan фойдаланиши мумкин.

Лойиҳа яна 3 йил давом этишидан, ва амалдаги, синовдан ўтган, ҳамда янги шерикларимиз билан ўзаро ишончли ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз!